

СОҒЛОМ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА АЖДОДЛАР МЕРОСИ ВА УМУМЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Юлдашев Соатбой Жиянбоевич

т.ф.н., доцент, Самарканд давлат тиббиёт университети

E-mail: farma.km@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10789433>

Аннотация Бундан X аср муқаддам буюк қомусий олим, юртдошимиз Абу Али Ибн Сино “Саломатликни сақлашнинг асосий маҳорати, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган умумий омиллар мўтадиллигини таъминлашдан иборатдир” деган эди. Бу ўринда буюк аждодимиз қомусий олим ва ҳаким Абу Али Ибн Сино шахси ва фаолияти умумамалиёт шифокорининг мумтоз миллий модули бўлиши шубҳасиз. Фикримизнинг далили сифатида Абу Али Ибн Синонинг 40 дан ортиқ асарлари асосан “Тиб қонунлари” ва алломанинг қатор фалсафий-тиббий асарларини келтиришимиз мумкинки бундай тимсол ҳеч бир халқда йўқ десак муболаға бўлмайди. Ибн Синонинг беқиёс, кўп қиррали фаолияти – табиблик, жарроҳлик, доялик, доришунослик ва ҳамма ёшдагиларни даволаш, касалликларнинг олдини олиш, руҳшунослиги ва файласуфлиги умумамалиёт шифокорларини яқинлаштириш лозим бўлган XXI аср андозасики, бунга биринчи навбатда биз – Ибн Сино ватандошлари лойиқ бўлишимиз лозим

Калит сўзлар: доривор, гомеопатия, табобат, касаллик.

РОЛЬ НАСЛЕДИЯ ПРЕДКОВ И УНИВЕРСАЛЬНОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ В ПОСТРОЕНИИ ЗДОРОВОГО ОБЩЕСТВА

Аннотация: В X веке наш соотечественник Абу Али ибн Сина, великий энциклопедист, сказал: «Главное искусство сохранения здоровья – это обеспечение умеренности общих факторов, важных для жизни человека». В этом месте нет сомнений, что личность и деятельность нашего великого предка, энциклопедиста и судьи Абу Али ибн Сины станут классическим национальным модулем врача общей практики. В доказательство нашего мнения можно привести более 40 работ Абу Али ибн Сины, главным образом «Законы медицины» и ряд философских и медицинских трудов учёных, и не будет преувеличением сказать, что такой символ не существует в любой нации. Несравненная, многогранная деятельность Ибн Сины – медицина, хирургия, акушерство, фармакология и лечение всех возрастов, профилактика заболеваний, психология и философия – это модель XXI века, которая должна сближать врачей общей практики, а мы, соотечественники Ибн Сины, должны будьте достойны этого прежде всего.

Ключевые слова: лекарство, гомеопатия, лекарство, болезнь.

THE ROLE OF ANCESTRAL HERITAGE AND UNIVERSAL CIVILIZATION IN BUILDING A HEALTHY SOCIETY

Abstract: In the 10th century, our compatriot Abu Ali ibn Sina, the great encyclopedist, said: “The main art of maintaining health is ensuring moderation of general factors important for human life.” At this point there is no doubt that the personality and work of our great ancestor, encyclopedist and judge Abu Ali ibn Sina will become a classic national module of the general practitioner. To prove our opinion, we can cite more than 40 works of Abu Ali ibn Sina, mainly “The Laws of Medicine” and a number of philosophical and medical works of scientists, and it would not be an exaggeration to say that such a symbol does not exist in any nation. Ibn Sina’s

incomparable, multifaceted work - medicine, surgery, obstetrics, pharmacology and treatment of all ages, disease prevention, psychology and philosophy - is a model of the 21st century, which should bring together general practitioners, and we, Ibn Sina's compatriots, must be worthy of this first Total.

Keywords: medicine, homeopathy, drug, disease.

КИРИШ

Ибн Сино дунёда биринчилар қаторида инсон ва атроф муҳитнинг ўзаро муносабатини, одам тана тузилишини ва организм хусусиятларининг уни ўраб турган атроф-муҳитга, иқлимга, миллий урф-одатлар, турмуш тарзига бевосита боғлиқ эканлигини англаб етган. Цивилизация нафақат инсон ҳаётини яхшилашга ёрдам берди, балки, сўнгги йилларда у туфайли айрим ўзига хос муаммолар ҳам туғилмоқда.

Буюк аждодларимизнинг ибратли меросига таянган ҳолда, ҳозирги замон цивилизацияси туфайли келиб чиқаётган турли хил замонавий касалликлар (эндокрин, аллергия, токсик, нурланиш, юрак- қон томир, онкологик ва ирсий) ҳамда айрим ёмон иллатлар (чекиш, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик)ни бартараф этишнинг аниқ чоратadbирларини белгилаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларига айланди. Ибн Сино клиник шароитда янги кашф қилинган дори-дармонларни синаб кўриш усулини ҳам ишлаб чиқди. У ўз замонасининг йирик кимёгарларидан бири сифатида турли кимёвий моддалардан дори тайёрлаб, уни клиникада ҳар хил касалликларни даволашда ишлатди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абу Али Ибн Сино замонавий дори турларини уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва бошқа кўрсаткичларига кўра тафсифлади. Замонавий дори турлари ўз таркибига кўра оддий ва мураккаб дори турларига шунингдек ёрдамчи моддалар қўшиб ва қўшмасдан тайёрланадиган дори турларига бўлинади. Буюк олим юқори самарали дори турларини, хусусан шамчаларни кўпгина касалликларни даволашда қўллагани қайд этилган. Ибн Сино кўпгина касалликларни даволашда ғўза ўсимлигининг аҳамияти катта эканлигини кўрсатади. Ибн Сино қолдирган илмий мерос кейинчалик гомеопатиянинг ривожланишига туртки бўлган. У беморларнинг мижозига аҳамият бериб, уларнинг ички кучларини оширишга эътиборини қаратган. Ҳозирги гомеопатиядаги ўхшашликни ўхшашлик билан даволаш принципи деб аталувчи усулни Ибн Сино фармакопеяда келтирилган кўпгина ўсимликларга Ибн Сино ўзининг асарларида таъриф бериб, ушбу ўсимликларни қандай ҳолатда ва қай тарзда ишлатиш кераклиги ҳақида ёзиб қолдирган. Шу билан биргаликда Абу Али Ибн Сино доришунослик ва ботаника масалалари билан ҳам кўп шуғулланган, чунки табобатда ишлатиладиган доривор моддаларнинг кўпчилиги ўсимликлардан олинади. Аллома тақлиф қилган ўсимлик, ҳайвонот оламидан ва маъданлардан олинадиган 1000 дан ортиқ дорилар асрлар давомида кенг ишлатиб келинган.

Доривор ўсимликлардан, айниқса маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, дори турини яратиш бугунги фармацевциянинг долзарб масалаларидандир. Масалан седана Ибн Сино асарларида бебаҳо шифобахш ўсимлик сифатида келтирилган. Унинг кўрсатишича седана илоҳий гиёҳдир.

Ибн Сино беморларни даволаганда фақат доривор ўсимликлардан, юқори сифатли маҳсулотлардан фойдаланган. уларнинг юқори сифатли маҳсулотлар бўлишлиги турли омилларга, масалан, доривор ўсимлик маҳсулотини уз вақтида тўғри йиғиштириш, қуриштириш, сақлаш ва бошқаларга боғлиқ.

“Тиб қонунлари”нинг иккинчи китобида Ибн Сино доривор ўсимликларнинг айрим қисмларини қайси даврда йиғиш, уларни қуритиш тўғрисидаги фикрларини келтирган.

Фармациянинг қадимги ва асосий фани янги дорилар технологиясидир. Шунинг учун улуғ аллома шарқда фармация фанларидан фармакогнозия ва дорилар технологиясининг асосчиларидан бири ҳисобланади.

ХУЛОСА

“Тиб қонунлари” шифокорларнинг кундалик амалиётида ҳамиша столида турадиган китобга айланди, улардан нафақат касалликларни аниқлаш ва даволаш балки касалликларнинг олдини олиш, унинг сабаб ва ривожланиш хусусиятларини ҳам билиб олиш мумкин. Ушбу асарда Ибн Сино тиббиётнинг ифодасини баён этиб, у ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган:

«Мен тасдиқлайман, тиббиёт соғлом ёки саломатлигини йўқотган инсон танасининг аҳволини ҳис этадиган, саломатликни сақлайдиган ва агар у йўқотилган бўлса, уни қайта тиклайдиган фандир». У тиббиётнинг вазифаси фақат касалликни даволаш эмас, балки, биринчи навбатда касалликка чалинишнинг олдини олишдир, деб ҳисоблаган.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш тўғрисида. Халқ сўзи, 2022 йил 25 август
2. Из филосторского наследия народов Востока. - Ташкент. Изд-во «Фан» 1972. - 141 б.
3. Абу Али Ибн Сино “Данишнамэ.” 217 б.